

PEDAGOGIK MAHORAT

ilmiy-nazariy va metodik jurnal

**№ 2
2016**

ISSN 2181-6883

PEDAGOGIK MAHORAT

Ilmiy-nazariy va metodik jurnal

№ 2, 2016

Jurnal 2001-yildan chiqa boshlagan

Buxoro, 2016

PEDAGOGIK MAHORAT
Ilmiy-nazariy va metodik jurnal
№ 2, 2016

Jurnal 2001-yilda tashkil etilgan.

Jurnal 1 yilda 4 marta chiqadi.

Jurnal O'zbekiston matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2016-yil 22-fevral № 05-072-sonli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.

Muassis: Buxoro davlat universiteti

Tahririyat manzili: O'zbekiston Respublikasi, Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko'chasi, 11-uy
Elektron manzil: ped_mahorat@umail.uz

TAHRIR HAY'ATI:

Bosh muharrir: Adizov Baxtiyor Rahmonovich – pedagogika fanlari doktori, professor

Bosh muharrir o'rinbosari: Navro'z-zoda Baxtiyor Negmatovich – iqtisod fanlari doktori, professor

Mas'ul kotib: Hamroyev Alijon Ro'ziqulovich – pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

To'laganov Abdugobil Abdumabiyevich, texnika fanlari doktori, professor
Begimqulov Uzoqboy Shoyimboyevich, pedagogika fanlari doktori, professor
Mahmudov Mels Hasanovich, pedagogika fanlari doktori, professor
Ibragimov Xolboy Ibragimovich, pedagogika fanlari doktori, professor
Choriyev Abdushukur Choriyevich, pedagogika fanlari doktori, professor
Qabborov Siddiq Qabborovich, pedagogika fanlari doktori, professor
Barotov Sharif Ramazonovich, psixologiya fanlari doktori, professor
Jabborov Azim Meyliqulovich, psixologiya fanlari doktori, professor
Sunnatova Ra'no Izratovna, psixologiya fanlari doktori, professor
Tadjixodjayev Zokirxo'ja Abdusattorovich, texnika fanlari doktori, professor
Amonov Muxtor Raxmatovich, texnika fanlari doktori, professor
O'rayeva Darmonoy Saidjonovna, filologiya fanlari doktori, professor
Asmedova Shoiri Ne'matovna, filologiya fanlari doktori, professor
Durdiyev Durdimurod Qalandarovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor
Hayitov Shodmon Asmadovich, tarix fanlari doktori, professor
To'rayev Halim Hojiyevich, tarix fanlari doktori, professor
Mirzayev Shavkat Mustaqimovich, texnika fanlari doktori, professor
Mahmudov Nosir Mahmudovich, iqtisod fanlari doktori, professor
Bo'riyev Sulaymon Bo'riyevich, biologiya fanlari doktori, professor
Olimov Shirinboy Sharofovich, pedagogika fanlari doktori, professor

© Pedagogik mahorat, 2016

ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО
Научно-теоретический и методический журнал
№ 2, 2016

Журнал основан в 2001г.

Журнал выходит 4 раза в год

Журнал зарегистрирован Бухарским управлением агентства по печати и массовой коммуникации Узбекистана.

Свидетельство о регистрации средства массовой информации ПИ № 05-072 от 22 февраля 2016 г.

Учредитель: Бухарский государственный университет

Адрес редакции: Узбекистан, г. Бухара, ул. Мухаммад Икбол, 11.

e-mail: ped_mahorat@umail.uz

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Главный редактор: Адизов Бахтиёр Рахманович – доктор педагогических наук, профессор

Заместитель главного редактора: Навруз-заде Бахтиёр Нигматович – доктор экономических наук, профессор

Ответственный редактор: Хамраев Алижон Рузикулович – кандидат педагогических наук, доцент

Тулаганов Абдукабил Абдунабиевич, доктор технических наук, профессор
Бегимкулов Узакбай Шаимбаевич, доктор педагогических наук, профессор
Махмудов Мэлс Хасанович, доктор педагогических наук, профессор
Ибрагимов Холбой Ибрагимович, доктор педагогических наук, профессор
Чориев Абдушукур Чориевич, доктор педагогических наук, профессор
Кажжаров Сиддик Кажжарович, доктор педагогических наук, профессор
Баратов Шариф Рамазанович, доктор психологических наук, профессор
Джаббаров Азим Мейликулович, доктор психологических наук, профессор
Суннатова Рано Иззатовна, доктор психологических наук, профессор
Таджиходжаев Закирходжа Абдусаттарович, доктор технических наук, профессор
Аманов Мужтор Рахматович, доктор технических наук, профессор
Ураева Дармоной Саиджановна, доктор филологических наук, профессор
Ахмедова Шоира Негматовна, доктор филологических наук, профессор
Дурдыев Дурдымурад Каландарович, доктор физико-математических наук, профессор
Хайтов Шадман Ахмадович, доктор исторических наук, профессор
Тураев Халим Хаджиевич, доктор исторических наук, профессор
Мирзаев Шавкат Мустакимович, доктор физико-математических наук, профессор
Махмудов Насыр Махмудович, доктор экономических наук, профессор
Буриев Сулаймон Буриевич, доктор биологических наук, профессор
Олимов Ширинбай Шарапович, доктор педагогических наук, профессор

© Педагогическое мастерство, 2016

MUNDARIJA-SОДЕРЖАНИЕ-CONTENTS

<i>R. Ro'ziyeva.</i> MILLIY VA UMUMINSONIY QADRIYATLARNING TADQIQOTI VA MA'NAVIY YANGILANISH.....	9
<i>I. Majidov, A. To'laganov, Sh. Olimov.</i> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA KADRLAR TAYYORLASH TIZIMINI MODERNIZATSIYALASHNING ISTIQBOLLI OMILLARI.....	12
<i>Sh. Abdullayeva.</i> PROFESSIONAL KOMPETENSIYA VA UNING SHAXS BARKAMOLLIGIDAGI ROLI...	17
<i>G. Boymurodova.</i> O'QITUVCHILAR KASBIY KOMPETENTLIGINI UZLUKSIZ RIVOJLANTIRISHDA PEDAGOGIK TASHXISLASH XUSUSIYATLARI.....	22
<i>N. Tosheva.</i> PEDAGOGIK INNOVATSIYALAR O'QITUVCHILAR KASBIY KOMPETENTLIGI VA O'QUVCHILARNING O'QUV-BILUV FAOLIYATINI TAKOMILLASHTIRISH OMILI SIFATIDA.....	26
<i>J. Temirova.</i> O'QUV JARAYONIGA O'YIN LOYIHASI METODINI JORIY ETISH MUAMMOSI.....	30
<i>Sh. Hayitov.</i> MUHOJIR O'ZBEKLARDA FARZAND TARBIYASI VA OTA-ONAGA HURMAT MUNOSABATLARI (1917-1991 YILLAR).....	33
<i>R.Nematova, Sh. Ulug'ova.</i> FARZANDLARDA SOG'LOM MILLIY G'URUR RUHINI SHAKLLANTIRISHNING IJTIMOY-PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI.....	36
<i>J. Oblaqulov.</i> O'SPIRIN YOSHLAR DUNYOQARASHINI SHAKLLANTIRISHDA TARIXIY TAFAKKURNING TARBIYAVIY-PSIXOLOGIK AHAMIYATI.....	40
<i>Z. Jalilov.</i> IMOM G'AZZOLIIY MA'NAVIY MEROSIDA TARBIYAVIY QADRIYATLAR AKSI.....	44
<i>M. Bafayev.</i> GLOBALLASHUV JARAYONIDA MILLIY BAG'RIKENGLIKNI SHAKLLANTIRISH MASALALARI.....	47
<i>Sh. Samiyeva.</i> O'QUVCHILARDA ESTETIK DUNYOQARASHNI TAKOMILLASHTIRISHNING MUHIM OMILLARI.....	51
<i>L.Eliboyeva.</i> KICHIK MAKTAB YOSHIDAGI BOLALARNING PSIXOLOGIK-PEDAGOGIK TAVSIFI.....	54
<i>N. Xayitova.</i> KICHIK MAKTAB YOSHIDA SHAXS RIVOJLANISHI.....	58
<i>L. Olimov, N.Sanakulova.</i> MOTIV PSIXOLOGIK KATEGORIYA SIFATIDA.....	62
<i>T.Xusayinov, Sh. Tadjixodjayeva, S.Boltayev.</i> PEDAGOGIYALARDA KASBIY SO'NISH SINDROMI SABABLARI: NAZARIY TAHLIL.....	66
<i>S. Gorban.</i> UKRAINADA SAKRAL RASSOMCHILIKNING PAYDO BO'LISHI VA BO'LG'USI RASSOMLARNI PROFESSIONAL TAYYORLASHNING HOZIRGI HOLATI.....	72
<i>A. Hoshimov.</i> TA'LIM TIZIMIGA FUQAROLIK JAMIYATI FANINING KIRITILISHI ZARURIYATI.....	79
<i>L. Murodova.</i> TASVIRIY SAN'AT FANINI O'QITISH USLUBIYOTINI RIVOJLANTIRISHDA MILLIY MEROSDAN FOYDALANISH OMILLARI.....	83
<i>A.Hamroyev.</i> BOSHLANG'ICH SINFI O'QISH DARSLARI VA UNGA ZAMONAVIY YONDASHUV.....	87
<i>G. Hojiyeva.</i> BOSHLANG'ICH SINFLARDA XORIJIY TILNI AMALIY O'RGANISHNI TASHKIL ETISH.....	92
<i>N. Sayfulloyeva, D.Rahmonova.</i> BOSHLANG'ICH SINFI O'QUVCHILARIGA XORIJIY TILNI O'RGATISH TAJRIBASIDAN.....	96
<i>S. Avezov.</i> SHE'RİYATDA BUXORO MADHI TALQINI.....	101
<i>M. Rahimov.</i> INNOVATSION USULLAR VA LUG'ATNI O'QITISHDA YONDASHUV.....	104
<i>S. Muxamedjanova.</i> INGLIZ TILINI O'RGATISH ASOSIDA TILGA IXTISOSLASHMAGAN OTMLARDA BO'LG'USI MUTAXASSISLARDA MULOQOTMANDLIKNI RIVOJLANTIRISH TEXNOLOGIYASI.....	107
<i>M.Qahhorova.</i> INGLIZ TILIDA GAPNING TUZILISHI.....	110
<i>H.Kamolov, M.Hamdamov.</i> JADVALLAR BILAN ISHLASHDA XESH FUNKSIYASIDAN FOYDALANISH.....	114
<i>S. Abdurahmonov, E.Xudoyarova.</i> KIMYO O'QITISHNING ZAMONAVIY USULLARI.....	117
<i>Q.Dilmonov.</i> INNOVATSIYANING MUHIMLIGI VA UNI ZAMONAVIY JAMIYATDA TARAQQIY ETIRISH.....	123
<i>O. Xurramov.</i> REKLAMA SAVDONI KUCHAYTIRISH OMILI SIFATIDA.....	128
<i>B.Sadullayev.</i> BOLALAR VA O'SMIRLAR SPORT MAKTABIDA O'RTA MASOFAGA YUGURUVCHI YOSH O'GIL BOLALARNING UMUMIY CHIDAMLILIGINI TARBIYALASH.....	134
<i>A.Ikromov.</i> BO'LG'USI SPORTCHILARDA TEZKORLIKNI TARBIYALASH MASALALARI.....	139
<i>N. Teshayev.</i> "SOG'LOM ONA VA BOLA YILI"NING MA'NAVIY-HUQUQIY ASOSLARI.....	144
<i>E'lonlar</i>	147

Muharrirlar: Nasiba XAYITOVA, Rano ZARIPOVA
Musahhih: Muxiddin BAFAYEV.

дунёвий фанлар билан бир каторда, диний илмлар, уларнинг мазмун-моҳиятини ҳам чуқур ўргатиш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур жараёнда талаба-ёшлар Шарқ халқлари тарихи, интеллектуал-маънавий меросини ўрганадилар. Шу тариқа, талаба-ёшларда аجدодлар миллий мероси, мутафаккирларнинг таълим-тарбиявий ғояларига нисбатан ҳурмат ҳисси вужудга келади. Ушбу меросни ўрганмасдан туриб, асрлар давомида халқимиз томонидан яратилган миллий урф-одатлар ва анъаналар, маданият, кадриятларимиз, уларнинг умрбоқий ва сўнмас имкониятлари ҳамда педагогик жиҳатларини идрок этиб бўлмайди.

Адабиётлар

1. Ғаззолий. Эй, фарзанд. – Тошкент: Мовароуннахр, 2005. – Б. 42.
2. Ғозиев Э. Олий мактаб психологияси. – Т.: Ўқитувчи, 2006. – Б. 72.
3. Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимиён саодат (Рух ҳақиқати). Т.: Адолат, 2005. – Б. 35.
4. Имом Ғаззолий. Ихёу улумиддин-дин (Дин илмларини жонлантириш). – Т.: “Мовароуннахр”, 2003. – Б. 26.

Мухиддин Бафаев

Бухоро давлат университети Психология кафедраси ўқитувчиси.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА МИЛЛИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Миллий онгда бағрикенглиkning шаклланишига ва қарор топишига билимлар, аниқ мақсадни қўлаб тарбиялаш, мулоқот-муносабат ҳамда фикр, виждон ва эътиқод эркинлиги ёрдам беради. Бағрикенгликни тарбиялаш фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шартларидан биридир. Мақолада глобаллашув жараёнида миллий бағрикенгликни шакллантириш масалалари ҳақида фикр юритилади.

Таянч нуқталар: жамият, маънавий-руҳий омил, глобаллашув, миллий бағрикенглик, миллий кадриятлар тизими, маънавий кадриятлар тизими, индивидуал сифатлар, ижтимоий жавобгарлик.

В формирование и установление толерантности в национальном сознании помогает свобода веры и совести, отношение, целенаправленное воспитание. Воспитание толерантности является основным условием формирования гражданского общества. В статье размышляется о вопросах формирования национальной толерантности в процессе глобализации.

Ключевые понятия: общество, духовно-психологический фактор, глобализация, национальная толерантность, система национальных ценностей, система духовных ценностей, индивидуальные качества, социальная ответственность.

In formation and establishment of tolerance the freedom of religion and conscience, the relation, purposeful education helps with national consciousness. Education of tolerance is the main condition of formation of civil society. In article it is reflected on questions of formation of national tolerance in the course of globalization.

Key words: society, spiritual and psychological factor, globalization, national tolerance, system of national values, system of cultural wealth, individual qualities, social responsibility.

Хар бир киши ўзи яшаётган жамият мамлакат ёки давлатнинг мақсадини, уни ифода этадиган ғояларини билиши, аниқ тасаввур этиши керак. Шунда бу мақсадлар унинг онг ва тафаккурдан жой олади. Шунчаки жой олиб қолмасдан, аста-секин унга нисбатан ишонч, эътиқод пайдо бўлади. Ишонч, эътиқод шундайки, усиз инсон ўз йўлини, мақсад ва манфаатларини кўра олмайди. У қанча мустақил бўлса, бу ғоя ёки мақсад йўлида ўзини бағишлайди, фаолиятини унга мос тарзда кўради, ундан чекиниш ҳолларини эса қабул қила олмайди. Ғоя, мақсадлар ҳар бир инсон ҳатти-ҳаракати, фаолияти билан муштарак тарзда уйғунлашиб боради. Жамиятнинг ўз-ўзини ташкил этишга, инсонларни, жамият аъзоларини,

миллатни, халкни бирлаштиришга, уюштиришга хизмат килади. Аниқ мақсадлар сари йўналтиради. Кучли маънавий руҳий омилга айланиб тараққиётга хизмат килади [2, 49].

Мустақил Ўзбекистонимизда тараққиётнинг бугунги босқичида сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларда ҳамда маънавият, маданият ва таълим йўналишида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу, ўз навбатида, жамият аъзоларини ва, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни ўзаро ҳамкорлик, дўстона мулоқотга ундаб, уларда миллий ва умуминсоний қадриятлар, масъулият ва шахсий жавобгарлик, эркинлик, мустақиллик, ҳурфикрлилик, меҳрибонлик каби олий тушунчаларни ўзлаштириш учун эҳтиёж сездиради. Худди шундай хусусиятларни бугунги глобаллашув шароитида миллий бағрикенглик рўёбга чиқаришда хизмат қила олади. Миллий бағрикенглик жамият тараққиётининг омили бўлиб, турли миллатга мансуб кишиларнинг бир-бирларининг тилини, динини, турмуш тарзи, урф-одати ва анъаналарини, миллий-маданий меросини ҳурмат қилишни, уларнинг шаъни, кадр-қимматини, ор-номусини қадрлаш орқали амалга оширадиган ўзига хос маънавий бағрикенгликни англатади. Миллий бағрикенглик бунга зид бўлган, миллий манфаатга зиён етказиш ҳисобига таъминланмайди. У турли миллат манфаатларини уйғун қўриш ва таъминлаш асосида мустаҳкамланиб боради. Бағрикенгликнинг кенг тушунчаси толерантлик бўлиб ҳисобланади.

ЮНЕСКО ташкилотининг 28-сессиясида (16 ноябрь 1995 йил, Париж) иштирок этган 185 та давлат иштирокчилари “Толерантлик тамойиллари Декларация”сини имзоладилар [4]. Шунингдек, БМТ томонидан 2003 йил дунё микёсида халқаро толерантлик йили деб эълон қилинди. 16 ноябрь эса халқаро толерантлик куни сифатида эълон қилиниб, бутун жаҳонда нишонланиб келмоқда. Толерантлик мавзусига бағишланган турли халқаро анжуманлар, конференцияларни ўтказиш анъанага айланди ҳамда олимлар томонидан мазмун ва моҳиятан талқин этила бошланди.

Маълумки, бугунги кунгача жуда кўплаб илғор ижтимоий психология вакиллари, педагоглар, файласуфлар, социологлар томонидан шахсларда бағрикенглик (толерантлик)ни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари муаммосини ўрганишга бағишланган талайгина тадқиқотлар олиб борилган. Бағрикенглик феномени Б. Барбер, Дж. Берри, Дж. Олпорт, М. Плизент, А. Тешфел, М. Уолцерлар томонидан этник хусусиятлари; файласуфлардан Р. Валитов, В. Шалин, В. Гараджа, Ю. Луховицкая томонидан фалсафий хусусиятлари; М. Ладыжеч, В. Соколов, Л. Дробижевлар социологик тадқиқотларида бағрикенгликнинг этномаданий хусусиятлари, В. Лекторский бағрикенгликни қадрият сифатида; В. Шалин сиёсий зарурат сифатида; психологик хусусиятларини А. Асмолов, М. Миримановлар; этнопсихологик хусусиятларини Г. Солдатова, Т. Стефаненко, Н. Лебедева, Л. Дробижева, Л. Гумилев, В. Тишковлар; ўзбекистонлик олимлар В. Каримова, А. Бегматов, Э. Каримова, З. Қодинова, А. Шарипов, Б. Фарфиев, С. Отамуротов, М. Хажиева, А. Саидов ва бошқаларнинг тадқиқотларида бағрикенглик тамойилларига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, муқаддас Ислом дини тамойилларига асосланган ҳолда Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф ва аждодларимиз ҳамда буюк сиймоларимиз асарларида (А. Навоий, А. Темур, аз-Замахшарий, Абу Лайс ас-Самарқандий, Имом ал-Бухорий, Термизий, Мотурудий қабиларнинг асарларида бағрикенглик масалаларига, миллий, диний, сиёсий бағрикенгликка алоҳида тўхталиб ўтилади. Президентимиз Ислом Каримовнинг нутқлари ҳамда асарларида ҳам бағрикенглик масалалари кенг ўрин олган.

Илмий адабиётлар бағрикенглик феномени ҳақида умумий тасаввур берсада, ижтимоий психологияда мазкур илмий билимларни тизимлаштириш заруратини тақозо этмоқда ва глобаллашув жараёнида масалага алоҳида эътибор қаратиш ҳамда чуқур таҳлил қилиш вазифасини қўймоқда.

Ёш авлодда толерантлик хусусиятларини шакллантириш инсониятга муҳаббат, тинч ва озода ҳаёт кечиришга интилиш, каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўлиш, самимий, очик-кўнгил, ростгўй, меҳрибон, инсонпарварлик хислатларига эгалик, раҳм-шавкат, шукроналик, саховат, Ватанга муҳаббат, миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларига содиқлик, ўзга дин ва миллат вакиллариغا нисбатан ҳайрихоҳ муносабат каби сифатларни сингдириш билан белгиланади [5,182]. Бу жараёни амалга ошириш муносабатларнинг асоси ҳисобланган **толерантликнинг такомиллаштириш билан боғлиқ. Ҳаётдаги тотувлик ва инсон тарбияси-**

нинг асоси, табиат кийинчиликларини, ташқи хавф-хатарларни биргаликда енгиш, ерларни ишлашда кучларни бирлаштириш, яхши-ёмон қунларда бир-бирига елкадош бўлишга интилиш туйғуси, олис аждодларимизнинг жамоа тарзида яшашга ўрганганлиги халқимизнинг тарихан бағрикенг, бир-бирига ҳурмат-эҳтиромли эканлигини тасдиқлайди.

Б. Э. Ризердоннинг фикрича, толерантлик мавзуси барча предметларни ўрганиш жараёнари учун долзарбдир. У толерантлик таълимини режалаштириш жараёнида ўзига хос методик йўрик бўлиб ҳисобланувчи етита йўналишини таснифлайди [6].

1. Толерантлик. Ўзида фуқаро сифатида жавобгарлик ҳиссини эндиgina шакллантираётган ўқувчилар инсон кадриятларининг поймол қилиниши, оқибатда кенг қўламли зўравонлик ва жабрланишларга олиб келувчи оммавий сабрсизликлар ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлишлари керак.

2. Танишув. Бошланғич синф ўқувчилари улар муносабатга киришадиган синфдошлари ёки мактабдошлари мансуб бўлган маҳаллий миллатларнинг тарихи ва маданияти ҳақида билимларга эга бўлишлари керак. Фуқаролик таълимининг кенгайиши мамлакатда яшовчи халқларнинг маданияти ҳақида билимларга эга бўлишни тақозо этади.

3. Фарқларни ҳурмат қилиш. Умумтаълим мактаби дастури ўқувчиларга, ўқувчилар бевосита муносабатга киришадиган ва улар шахсан тўқнашмайдиган, дунёнинг турли маданиятларини ўрганиш имкониятини бериши керак. Аниқ материал асосида болаларни инсоннинг серкирра табиати, ирқий, этник ва маданий хилма-хиллиги билан бир қаторда, инсонлар орасидаги бирдамликни асослаш орқали таништириш лозим. Ўқувчилар инсоният дуч келган глобал муаммоларни ечиш тажрибаларини ўрганишлари ва билишлари керак.

4. Индивидуал бетакрорликни тушуниш. Инсон ва кишилар гуруҳининг индивидуал ўзига хослиги ҳурмат қилиниши ва ҳар бир шахс бетакрорлигининг ва инсоний кадрият намунаси сифатида ҳурматланиши шарт. Ўқувчилар ўзаро ҳурматга асосланган аниқ инсон ва бутун инсониятнинг ҳуқуқларини ўзида мужассамлаштирган инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси ва бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни мактабларда ўрганишлари ва билишлари керак.

5. Фарқларни ўзаро тўлдириш. Ҳар қандай кўринишдаги, асосан, инсонларнинг бир-бирига ўхшамаслигига асосланган, сабрсизлик ва инкор этишларга қарши туриш тушунчаларини сингдириш керак. Мактаб дастуридаги материаллар мазмунида инсонларнинг турли индивидуал сифатлари бир бирини тўлдиришга хизмат қилишини, кишилар орасида учрайдиган айрим заифликларни енгишда ёрдам бериши баён қилувчи материаллар бўлиши керак. Диққатни қаратиш лозимки, глобал жамиятда турли-туманлик шубҳасиз дўстлик кадриятидир.

6. Ўзаро боғлиқлик биргаликдаги фаолият асоси сифатида. Инсонлар орасидаги муносабатларни ўзаро қелишувлар ва бир-бирига нисбатан ҳурмат асосида қуришга асосланишини жамиятлар, демократик жараёнлар ва зиддиятларни бартараф этиш мисолида тушунтирилади. Зиддиятли вазиятларни бартараф этишда «икки томон учун ҳам ғалаба» концепциясини муқобил восита сифатида жамиятда ҳам, глобал масштабда ҳам қўллаш мумкин. Зиддиятларни ҳал этишга ўргатишда ўқувчиларга икки томон учун ҳам мос бўлган ечимни топишни, зиддиятлашаётган томонларнинг манфаатларидан қелиб чиқиб ҳар иккиси учун ҳам мос ечимни топишнинг муҳимлигини таъкидлаш. Муаммонинг бундай ечими рақибни енгишга асосланган ёндашувдан кўра кўпроқ афзалликларга эга.

7. Дунё маданияти. Синфларда зиддиятларни ҳал этишда ва қелишувчанлик муҳитини яратишда ўқувчиларнинг ўзларига демократик қарорлар қабул қилиш имкониятини бериш керак; болалар ўз синфдошлари билан биргаликда ижтимоий жавобгарликка ва дўстона муносабатларни ўрнатишга ўрганадилар.

Бағрикенгликни шакллантиришда оила, таълим муассасаси ҳамда маҳалланинг роли жуда катта. Толерант муҳит аста-секинлик билан шаклланади. Уни яратишда таълим муассасаси раҳбарияти, ўқитувчилар, ота-оналар, жамоатчилик катта аҳамиятга эга. Биз, қуйида бағрикенглик (толерантлик)ни шакллантиришга доир айрим тавсияларни тақлиф этамиз:

- ҳар бир кишининг аҳамиятини билиш ва қадрлаш;
- маданиятнинг ўзига хослиги, яшаш тарзи, оилавий ҳаёт қабилар тўғрисидаги тўғри тасаввурларни шакллантириш;

- шахсда ўз эҳтиёжларини (жисмоний ва маънавий) ҳис қила олиш, уларни бошқаларга зарар етказмасдан қондириш малакасини ривожлантириш;
- ўз имкониятларини баҳолай олиш, ўз имкониятлари доирасида ҳаракат қилиш ва уларни ривожлантиришга интилиш малакасини ривожлантириш;
- ўз ютуқ ва камчиликларини тан олиш, танқидий ёндашиш;
- ўзи ва ўзгалар олдидagi ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаш;
- ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бошқалар ҳуқуқлари билан ҳисоблашиш малакасини шакллантириш;
- ўзгалар аъъаналари ва маданиятини ҳурмат қилиш ва уларга нисбатан бардошли бўлиш ва бошқалар.

Ўзбеклар миллий қадриятлари тизимида толерантлик тушунчаси таркибига аъъанавий тарзда қуйидаги инсоний ҳислатлар ва тафаккур қирралари шакллантирилган: инсоф, адолат, ҳурмат, эъзоз, иззат, сабр, қаноат, меҳр, кенг феъллилик, билимдонлик, маданиятлар тарихини билиш, бошқа маданият ва дин вакилларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, бағрикенгликни оилавий тушунча даражасида амал қилишнинг таъминлаш, дўстлик, биродарлик, бир-бирига азизлик қадриятларини оилавий муносабатларга ўтказиш, ўзаро тенглик, ҳамжиҳатлик, тинчлик, уни энг улуғ қадриятлардан ҳисоблаш, жанжал ва низолардан қочиш, яхши ниятли ва амалли бўлмоқ, содиқлик, инсонпарварлик ва инсонни ардоқлаш, ватанпарварлик, илмга чанқоклик, ҳурфикрлик ва эрк, тафаккурга ишонч, меҳр-муруват, яхшилик, она ва аёлга эҳтиром, диний бағрикенглик, ҳақгўйлик, камтаринлик, тавозеъли бўлмоқ, оғир-босиқлик, салмоқлилик, барқарорлик, пешқадамлик, илғорлик, қилган амаллар ва ниятларда пок бўлмоқлик, эътиқодга қатъийлик ва бошқалар.

Юқоридаги ҳислатларни шакллантириш шиддат билан кечаётган глобаллашув жараёнида миллатимизга хос бағрикенгликни сақлаш, уни ёшлар тарбиясида қўллашда ижобий самара беради. Бу эса, ўз навбатида, маънавий қадриятлар тизимининг кенгайишига хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Асмолов А. Г. На пути к толерантному сознанию. – М., 2000. – С. 7.
2. Бафаев М., Юлдашева М., Таджиходжаева Ш. “Ёшларни миллий истиқлол руҳида тарбиялашнинг ўзига хос жиҳатлари”// “Глобаллашув шароитида ёшларни ёт ғоя ва мафқуралардан муҳофаза қилишнинг ижтимоий психологик хусусиятлари” илмий-амалий анжуман материаллари. – Бухоро, 2015. – Б.49.
3. Бағрикенглик – барқарорлик ва таракқиёт омили / Масъул муҳаррир: А.З. Очидиев. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007.
4. Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси. – Т. : ЮНЕСКО, 1999.
5. Рўзиева Д.И. “Ёшларда толерантлик фазилатларини шакллантириш – педагогиканинг долзарб муаммоси сифатида”// The culture of tolerance in the context of globalization: methodology of research, reality and prospect: Materials of the international scientific conference on May 13–14, 2014. – Б. 182.
6. Ризэдон Б. Толерантность – дорога к миру. – М., 2001.